

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ШИРИН ҚАЛАМПИРНИНГ НАВ НАМАУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316141>



ELSEVIER

Қорабоев Турғунали Абдужалилович
Бойназаров Одил Шарофович

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти,



Received: 10-11-2022

Accepted: 13-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract: Мақолада Ширин қалампирнинг нав намуналарини Сурхондарё вилояти шароитида ўрганилди. Олинган хулосалар амалий ўрганишлар натижасида исботлаб берилган.

Keywords: Ширин қалампир, селекция, апробация, ҳисоб майдони, бўлмача, товарбон, нав, стандарт нав, эртапишар, дурагай, ҳосилдорлик...

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 10-11-2022

Accepted: 13-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract: В статье исследованы сортовые сорта сладкого перца на Сурхандарьинская область. Сделанные выводы подтверждаются практическими исследованиями.

Keywords: перец сладкий, селекция, апробация, учётная делянка, делянка, товарность, сорт, стандартный сорт, раннеспелость, гибрид, урожайность....

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 10-11-2022

Accepted: 13-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract: The article examines varietal varieties of sweet pepper in the Surkhandarya region. The conclusions are confirmed by practical research.

Keywords: Sweet pepper, selection, approbation, counting area, section, grade, standard grade, early maturity, hybrid, productivity....

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Ширин қалампир меваси ўзига хос мазаси, ўсимликда ва узоқ масофаларга жўнатилганда яхши сақланиши ҳамда қайта ишлашга яроқлилиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ширин қалампирнинг эртапишар, юқори ҳосилдор ва касалликларга чидамли нав ва дурагайларини яратиш Республикамизда янги йўналишлардан ҳисобланади. Бундай нав ва дурагайларни яратиш аввало, мамлакатимиз аҳолисини эрта баҳорда янги, витаминларга бой Ширин қалампирга бўлган талабини қондирса, иккинчидан республикамизда ҳосилдорлик пасайишининг олдини олади.

Дехқон фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа ер эгаларининг сўнгги йилларда бу экинга бўлган қизиқиши, шу соҳа селекционерлари олдига фойдали озикавийлик ва юқори технологик сифатига эга бўлган, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли нав ва дурагайлар яратишни долзарб қилиб қўяди.

Шундан келиб чиқиб, ширин қалампирнинг юқори махсулдор навларини танлаш, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, ташқи муҳит омилларига бардошли нав ва дурагайларини олиш учун бошланғич манба яратиш тадқиқотларимизнинг мақсади қилиб белгиланди.

Тадқиқотлар материали ва услуги

Тадқиқотлар материали сифатида Россия мамлакатидан келтирилган 10 га яқин нав намуналари ва 20 дан ортиқ республикамызда яратилган нав ва биринчи авлод дурагайлари хизмат қилди.

Уруғлар иситилмайдиган кўчатхоналарга 12-февралда сепилди. Кўчатлар 15-апрелда очик далага кўчириб ўтказилди. Тадқиқотлар “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур(томаты, перцы, баклажаны)(Л.,1977) услубий кўрсатмаси ва “Руководство по апробации овощных культур и кормовых корнеплодов”(М.,1982) асосида олиб борилди. Ҳисоб бўлмачаси майдони 10 м², бўлмача уч қаторли. Бўлмачада ўсимликлар сони 45-60 та. Экиш схемаси 70 х30 см.

Куйидаги даврлар бўйича фенологик кузатувлар олиб борилди:

экиш (сана), кўчатларнинг ёппасига униб чиқиши, кўчатларни далага ўтказиш, гуллаши (10%, 75%), меваларнинг техник пишиши (10%, 75%), биологик пишиши (10%, 75%), биринчи ва охириги терим.

Мевалар ёппасига пишганда ширин қалампир ўсимлиги куйидаги белгилари бўйича морфобиологик тавсифланди :

ўсимлик типи, ўсимликнинг баландлиги, см, баргланганлиги, меванинг ўсимликда жойлашуви ва б.х.

Нав намуналари умумий, товарбоп ҳосилдорлик, меванинг ўртача вазни, мева деворининг қалинлиги, мева шакли, ранги каби муҳим белгилари бўйича тавсифланди.

Тадқиқотлар натижаси

Ўсимликларни ёппасига гуллаши 2021 йил 1-3 июнда қайд этилди. Меваларнинг техник пишиши 15-17 июнда кузатилди.

Уруғларнинг ёппасига униб чиқишидан меваларнинг биологик пишишигача бўлган давр 118-124 кунни ташкил этди.

Нав тозалаш ишлари бутун вегетация давомида олиб борилди. Ўсимликларнинг 50% да мевалар биологик пишиш даврида апробация ўтказилди ва намуналарнинг наводорлиги аниқланиб, апробация далолатномаси тўлдирилди. Натижада Наргиза навининг наводорлиги 100% ни ташкил этиши аниқланди ва биринчи тоифага киритилди.

Ширин қалампир нав намуналарини ўрганиш

2021 йилда 32 та нав ва дурагай намунаси қиёсий Наргиза нави билан қиёслаб ўрганилди.

Уруғлар 10- февралда иситилмайдиган кўчатхоналарга сепилди.

Кўчатлар ёшасига 3 - март кунлари униб чиқди ва 12-апрел куни далага кўчириб ўтказилди. Меваларнинг техник пишиб етилиши Тонг навида 15 - июнда, бошқа навларда эса 24-30 июнда қайд этилди. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича энг қисқа амал даври Тонг, Подарок Молдовы, Наргиза, ПО 8018, Трюфелек красный, Трюфелек желтый, Княжич, Казачок, Super Macroni, LS-14-20 навларида кузатилди ва унинг давомийлиги 91-110 кунни ташкил этди. Бошқа синалган нав намуналарида 111-119 кунни ташкил этди.

Ўсимлик баландлиги бўйича ўрганилган навлар икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳга ўсимлик баландлиги 48-56 см бўлган навлар - Дар Ташкента, Тонг, Казачок, Сластена, Трюфелек красный, Трюфелек желтый, Лекарь ; иккинчи гуруҳга ўсимлик баландлиги 57-85 см бўлган Наргиза, Подарок Молдовы, ПО-8018, Суперласточка, А-11-2014, Калифорнийское чудо, Заря Востока, Зумрад, Ласточка, Медок, Виктор, Княжич, Сибиряк, Super Macroni каби навлар кирази. Ҳамма навларда ҳам ўсимликлар яхши баргланганлиги кузатилди.

Меванинг ўсимликда жойлашуви муҳим белги бўлиб ҳисобланади. Очик далаларда етиштириш учун мевалари ўсимликда пастга қараб жойлашган навлар истиқболли бўлиб ҳисобланди.

Синалган навлардан фақат Тонг навида мевалар ўсимликда юқорига қараб, қолган навларда эса аралаш ёки пастга қараб жойлашган.

Меванинг вазни бўйича энг юқори кўрсаткич Зумрад ва Калифорнийское чудо навларида кузатилди ва у 135-138 г ни ташкил этди. Ушбу навлар катта мевали ҳисобланади. Жуда кичик мевалар Трюфелек красный, Трюфелек желтый навларида кузатилди ва у 15-16 г ни ташкил этди.

Қолган навларда мева вазни 39-66 г ни ташкил этди.

Синалаётган навлар мева шакли бўйича турли туман бўлди: конуссимон, призмасимон, цилиндрсимон, квадратсимон, юмалок. Мева деворининг калинлиги бўйича ўрганилган навлар уч гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга мева деворининг калинлиги 2-4 мм бўлган нав ва дурагайларга: Тонг, А-11-2014, Казачок, Трюфелек красный, Трюфелек жёлтый, Медок, Виктор, LS-14-20, Dovrps киритилди ва улар юпқа деворли ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Буриев Х, Зуев В., Қодирходжаев О, Мухамедов М. Очик жойда сабзавот етиштиришнинг прогрессив технологиялари. Тошкент. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси," 2002. [2; 45-57-б.]
2. Т.Е.Останакулов, В.И.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаев. Сабзавотчилик Тошкент, 2010. [1; 338-342-б.]

3. Бахромов Б.Б. Арамов М.Х. Ширин қалампирнинг биринчи авлод (F₁) дурагайлари яратиш. «Ўзбекистоннинг жанубий воҳасида эртаги сабзаотчиликни ривожлантириш истиқболлари» илмий амалий конференцияси. Термез. 2007. [3; 75-78-б.]
4. Азимов Б.Б., Мавлянова Р.Ф., Азимов Б.Ж. Ўзбекистонда ширин қалампирдан юқори ҳосил олиш бўйича тавсиялар. // Тошкент, 2016. – 9 Б
5. Аманов А.А., Байметов К.И., Мавлянова Р.Ф. ва бошқа. Қишлоқ хўжалик экинларининг янги ва истиқболли навлари каталоги. // Сабзаот экинлари. Тошкент, 2014. – 11 б